*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил **25 февраль** ЧОРШАНБА

**№ 15** (12755)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ – 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ «ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

2015 йил 9 майда умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан фашизм устидан қозонилган Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносиб равишда ва иззат-икром билан шарафлаш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги шарафига "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун" ва "Япония устидан қозонилган ғалаба учун" медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун олинган бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ногирони гувоҳномаларига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳнати учун мукофотланган, шу жумладан, "1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун", "Меҳнатдаги жасорати учун", "Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун" медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида қуролли кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотланадилар.

3. "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотланиши лозим бўлган 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва ногиронларининг, меҳнат фронти қатнашчиларининг аниқ рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Марказий банк ва "Давлат белгиси" давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда бир ой муддатда "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномалари бланклари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин;

2015 йилнинг 1 мартига қадар Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги мамлакатимизда кенг байрам қилинишига бағишланган тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари билан тантанали ва байрамона вазиятда мукофотлаш чора-тадбирлари кўзда тутилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 19 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 19 февралдаги ПФ-4704-сонли Фармонига 1-илова

### «ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун" ва "Япония устидан қозонилган ғалаба учун" медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун олинган бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ногирони гувоҳномаларига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳнати учун мукофотланган, шу жумладан, "1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун", "Меҳнатдаги жасорати учун", "Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун" медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида қуролли кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотланадилар.

2. "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медалини топшириш Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ички ишлар вазири, Давлат божхона қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқарма органларининг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг иштирокида тантанали вазиятда амалга оширилади.

Мукофотланганларга эсдалик юбилей медали билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома топширилади.

3. "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 19 февралдаги ПФ-4704-сонли Фармонига 2-илова

### «ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИНИНГ ТАВСИФИ



"Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали 0,25 микронгача қалинликдаги олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 32 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик юбилей медалининг ўнг томонида таралаётган қуёш нурлари фонида "Хотира майдони" ёдгорлик комплексидаги Мангу олов ёнида "Мотамсаро Она" монументи тасвирланган. Монументнинг чап ва ўнг томонларида 1945 ва 2015 рақамлари ёзилган бўлиб, улар Иккинчи жаҳон уруши тугаган йил ва юбилей йилини англатади.

Эсдалик юбилей медалининг орқа томонида "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" сўзлари ёзилган. Ёзув дафна чамбари билан ўралган бўлиб, унинг новдалари пастда саккиз қиррали юлдуз билан туташган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик юбилей медалининг қирралари доира билан ҳошияланган.

Эсдалик юбилей медали халқачалар ёрдамида беш бурчакли колодка билан туташтирилади, унинг устки қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги эни 24 миллиметрли шойи лента билан ўралган. Кўк, оқ ва яшил полосаларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил полосаларнинг эни эса 1,5 миллиметрдан. Колодканинг баландлиги 48 миллиметр, эни 45 миллиметр. Тўғноғич ёрдамида қадалади.

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

## НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 19 февраль куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Н. Абдуллаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Р. Толипов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништирди.

Номзоднинг сайловолди дастурида ҳокимият ва жамият ўртасида самарали ҳамкорликни кенгайтириш, ҳокимиятнинг барча даражаларидаги бошқарув вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида очиқ мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйиш, мамлакатимизда асрлар давомида аҳил-иноқ яшаб келаётган турли миллат ва элатларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини янада кучайтириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Б. Қосимов, Оққўрғон туманидаги 78-ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернати директори Н. Ҳасанова, Оҳангарон тумани "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Д. Санақулова ва бошқалар Президентликка номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган устувор вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Президент сайлови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, демократик тамойилларга мос тарзда ўтаётганини таъкидлади.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ





Ассалому алайкум ҳурматли сайловчилар!

Авваламбор Сизларга қимматли вақтингизни аямасдан, бизга хайрихоҳлик билдириб бугунги учрашувга келганингиз учун чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хабарингиз бор, айни кунларда мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси қизғин давом этмоқда. Ушбу сиёсий жараён Сиз каби сайловчиларимизнинг сиёсий фаоллиги ва маданияти асосида, юқори савияда ташкил этилаётгани барчамизни хурсанд қилмоқда.

Мана шундай паллада Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод сифатида менга билдирилган ишончни ўзим учун юксак масъулият сифатида қабул қилиб, ушбу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Ҳаммамизга маълумки, 2014 йил 26 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди.

Партия Сиёсий Кенгашининг Ижроия Қўмитаси амалдаги қонунчилик ва Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилган тартибга асосан партиянинг сайловда иштироки стратегияси ва тактикасини аниқлаб, улар асосида аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлади.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси* *ҚАРОРИ*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ 2015 ЙИЛ 14 ФЕВРАЛДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ВА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар ташкил этиш тўғрисида"ги 694-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар ташкил этиш тўғрисида"ги 694-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти ташкилий-методик бўлими томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар концепцияси асосида ҳудудий ва маҳаллий семинар-тренинглар жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Х. Сувонов зиммасига юклатилсин.
4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

**10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Н. АБДУЛЛАЕВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 20 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси* *ҚАРОРИ*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ 2015 ЙИЛ 14 ФЕВРАЛДАГИ «АҲОЛИНИНГ САЙЛОВГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 14 февралдаги "Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишланган семинарлар ташкил этиш тўғрисида"ги 695-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 14 февралдаги "Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишланган семинарлар ташкил этиш тўғрисида"ги 695-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти ташкилий-методик бўлими томонидан ишлаб чиқилган аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг долзарб вазифалари бўйича семинарлар концепцияси асосида ҳудудий ва маҳаллий семинарлар жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Х. Сувонов зиммасига юклатилсин.
4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

**10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Н. АБДУЛЛАЕВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 20 февраль.

# ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Бугунги кунда бажариладиган барча ташкилий-сиёсий масалалар юқори савияда ҳал қилинганлигини айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Авваламбор, барча партия ташкилотларида ўтказилган йиғилиш ва конференцияларда партиямиз аъзолари томонидан сайлов кампаниясини муносиб равишда ва кўтаринки руҳда ўтказишга интилиш билдирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда партиядан кўрсатилган вакилнинг иштирок этишини қўллаб-қувватлаш бўйича имзоларни йиғишда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Партиямизнинг 10 февраль куни бўлиб ўтган VII Қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури тасдиқланди ва Марказий сайлов кампанияси томонидан партиямиз номзоди рўйхатга олинди.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Ҳозирда мен, ўз дастуримда илгари сурилаётган асосий йўналишларга тўхталиб ўтишдан олдин эътиборингизни, мустақиллик йилларида халқимизнинг турмуш тарзида, кундалик ҳаётида рўй берган ижобий ўзгаришлар, мамлакатимиз эришган ютуқларга қаратишни бурчим деб биламан.

Барчамизга маълумки, мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг нуфузи юқори даражага кўтарилди. Бунга, албатта, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш орқали эришилмоқда.

Натижада халқимизнинг турмуш даражаси сезиларли ўсди. Бунга барчамиз ўз оиламиз, ён-атрофимиздаги қўни-қўшнимиз ёки маҳалладошларимиз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришларда кўриб, бевосита гувоҳи бўлиб турибмиз. Бугун барчамизнинг оиламизда замонавий телевизорлар, музлаткичдан тортиб чангютгичгача бор, тўғрими? Қолаверса, фарзандларимиз замонавий компьютерлардан фойдаланмоқда, жаҳон стандартлари даражасидаги ўқув муассасаларида таълим-тарбия олмоқда. Шу билан бирга, бугун аксарият юртдошларимизнинг ҳовлисида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналарни учратиш мумкин.

Мен ушбу фикрларни нима учун билдиряпман? Чунки, истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқларни англаш учун узоққа бориш шарт эмас. Бунга ҳар биримиз ўз хонадонимиздаги фаровонликни, фарзандларимиз келажаги йўлида давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитларни кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса, бугун ён-атрофимиздаги давлатларда ва бошқа минтақаларда рўй бераётган нотинч вазиятни кўриб, барчамиз мамлакатимизда барқарор бўлиб турган энг муҳим бойлик – тинчлик, осойишталикнинг қадрини янада кенгроқ англаймиз.

Умуман, ўтган даврда мамлакатимизда бозор ислоҳотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилиши туфайли фуқароларнинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланиши, аҳолининг фаровонлиги учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ҳурматли сайловчилар!

Биз сайлов кампаниясида иштирок этар эканмиз, юқорида эътироф этиб ўтганимиз – истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларни юқори баҳолаб, партиямиз сайловолди дастурида белгиланган дастурий вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг янада тараққий этишига қаратилган дастуримизни таклиф этмоқдамиз.

Мазкур дастурга мувофиқ қуйидагилар биз учун энг муҳим йўналишлар бўлиб ҳисобланади:

биринчидан, биз инсон манфаатларини олий қадрият сифатида баҳолаймиз.

Бу жараёнда "Инсон – мамлакатнинг асосий бойлиги", "Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони", "Адолат – ҳар бир инсон учун" тамойилларини ҳаётимизга кенг жорий этишни асосий вазифамиз деб биламиз.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда эса биз, аввало, қонун устуворлигини таъминлашни муҳим деб ҳисоблаймиз. Ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш биз учун устувор йўналишлар бўлиб ҳисобланади.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ушбу мақсадларни амалга ошириш учун биз ҳокимият ва жамият ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш, ҳокимиятнинг бошқарув вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида очиқ мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйишга интиламиз.

Бу, аввало, вакиллик органларидаги депутатларимизга тегишли бўлиб, айнан улар жойлардаги долзарб муаммоларни, Сизлар томонингиздан кўтарилган ижтимоий-иқтисодий масалаларни очиқ ва ошкора равишда муҳокама қилишлари, уларнинг энг мақбул ечимларини ишлаб чиқиб, тегишли ташкилотларга тавсия этишлари ва унинг ижроси юзасидан депутатлик назоратини ташкил қилишлари лозим.

Барчамизга маълумки, жамиятдаги ижтимоий ҳаётимизни қонунлар бошқаради. Қонунлар қанчалик мукаммал ва ҳаётий бўлса ҳуқуқ ва эркинликларимиз ишончли ҳимоя қилинади. Шу сабабдан биз қонуности ҳужжатлари ҳажми қисқартирилишига, қонунларнинг мукаммал, юқори сифатли ва барқарорлигига эришишга, уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратишга, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғояси татбиқ этилишига ҳаракат қиламиз. Ушбу вазифаларни амалга оширишда биз, албатта, давлат ҳокимияти вакиллик органларида шакллантирилган депутатлик корпусларимизнинг салоҳият ва имкониятларига таянамиз.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш ҳам доимий эътиборимиз марказидаги масаладир. Биз "Кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар" деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиламиз.

Шу билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ушбу жараёнда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга эътибор қаратамиз.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш биз учун энг муҳим устувор йўналишлардан саналади.

Биз аҳоли даромадларининг изчиллик билан ошиши тарафдоримиз. Чунки, айнан у иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, қачонки аҳолининг тўлов қобилияти кучайиб, меҳнаткашларнинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши таъминланса, бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ҳам оширади. Ўз меҳнатига муносиб ҳақ оладиган инсонгина чин кўнгилдан меҳнат қилади, фидойилик кўрсатади.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир муҳим омилга қаратишни истар эдим. Биз бошқа сиёсий рақобатчиларимиздан фарқли равишда мамлакатимиз келажагини инновацион иқтисодиётда, деб биламиз.

Сизларда, хўш инновация ўзи нима, деган савол туғилиши мумкин, албатта. Бу борада биз иқтисодиётга фақатгина янги ва илғор технологияларни жорий этиш керак деб биламиз. Айнан ушбу омил давлатимиз қудратини оширади, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилади.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, шунингдек, илғор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши керак. Бунга, албатта, Сизларнинг иштирокингизда эришамиз.

Бугун кундалик ҳаётимизда оммавий ахборот воситалари орқали "яшил иқтисодиёт" деган атамани кўп бора эшитмоқдамиз. Буни бутун дунёда кечаётган глобаллашув тақозо қилмоқда. Бунга эса давлатнинг бошқарувчилик ролисиз эришиб бўлмайди.

Шу сабабдан биз иқтисодиётни ривожлантиришнинг "яшил йўл"га ўтишида давлатнинг етакчилик ролини ошириш тарафдоримиз. Яъни, қачонки, давлат томонидан зарур инфратузилма ва бошқарувнинг самарали тизими яратилса, шунда иқтисодиётга хусусий сармоялар кириб келади, экологик тоза ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади.

Шунингдек, биз иқтисодиёт тармоқларида энергияни тежаш ва муқобил энергия манбаларини ҳаётга кенг жорий этиш ғоясини илгари сурамиз.

Учинчидан, ижтимоий ҳимоя масаласи ва унинг амалда қўлланилиши доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Биз мамлакатимизда "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" тамойили асосида олиб борилаётган сиёсатни ривожлантиришга ҳаракат қиламиз. Аҳолининг турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этамиз.

Айни пайтда биз ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмаслигини яхши англаймиз. Шу сабабли фуқаролар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Гувоҳи бўлиб турганимиздек, бугунги учрашувда иштирок этаётганлар орасида хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Шу муносабат билан эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Биз ҳар доим иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратилишини таъминлашга интиламиз.

Тўртинчидан, биз таълим тизимининг янада ривожлантирилиши тарафдоримиз. Яъни, иқтисодиётимизнинг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини мукаммалаштиришни муҳим деб биламиз.

Биз мутахассисларни тайёрлашда, албатта, меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиқиш зарур деб биламиз. Халқона қилиб айтганда фарзандларимиз келажаги бор соҳанинг эгаси бўлгани маъқул.

Бунинг учун биз бор эътиборимизни олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтириб, уларнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, мамлакат таълим тизимининг мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратамиз.

Шу билан бирга, биз ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимида ўқувчиларга долзарб билим ва кўникмаларни сингдириш ҳамда уларнинг меҳнат бозори талаб қиладиган йўналишларда таълим олиши ҳамда келгусида албатта иш билан таъминланиши тарафдоримиз.

Бешинчидан, биз фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини ёқлаймиз. Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокини кучайтиришга интиламиз.

Бугун барчамиз фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалланинг роли қанчалик муҳим эканлигини яхши биламиз. Айнан маҳалланинг тараққий этиши аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлиги ортишига хизмат қилади.

Шу сабабдан биз давлат ҳокимиятининг қатор ваколатларини ноёб ижтимоий тузилма бўлган маҳаллага ўтказиш тарафдоримиз. Маҳалланинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқ марказга айланишига интиламиз.

Ва ниҳоят, олтинчидан биз учун ташқи сиёсатдаги миллий манфаатлар устуворлиги муҳим аҳамиятга эга.

Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, биз Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тинчликсевар ташқи сиёсат тарафдоримиз. Биз бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдонда нуфузини янада оширишга, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Биз айниқса, яқин қўшни давлатлар билан муносабатда минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал этиш тарафдоримиз.

Мухтасар айтганда, сайловчилар олдидаги бизнинг позициямиз ана шулардан иборат.

Ҳурматли сайловчилар, партиямиз аъзолари ва хайрихоҳлари!

Бугун Сизлар билан учрашишдан мақсад фақатгина сайловолди дастуримиз билан таништириш эмас, балки Сизларнинг фикрларингиз билан ҳам қизиқиш, ҳамфикр бўлишдан иборат. Ўйлайманки, Сиз томонингиздан билдириладиган ҳар қандай фикр, таклифни биз олдимизга қўйган мақсадларни амалга оширишда ўзимиз учун зарурат деб биламиз.

Барчамизнинг мақсадимиз бир – шу юрт равнақи, халқимизнинг фаровон турмуши ҳамда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг бардавомлигини таъминлаш, ёруғ келажагимизни қуришдан иборатдир.

Ўйлаймизки, бу жараёнда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб Ватанимиз равнақи учун муносиб хизмат қиламиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТУШУНТИРИЛДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида жойларда семинарлар ташкил этилмоқда.**



Шундай тадбирлардан бири Чирчиқ шаҳрида уюштирилиб, унда Марказий сайлов комиссияси ҳамда 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, халқаро сайлов қонунчилиги, фуқароларнинг сайлаш-сайланиш ҳуқуқлари кафолатлари, сайлов жараёнида қонунийликни ҳамда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли, шунингдек, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш қонун-қоидалари кенг тушунтирилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг 2015 йил 20 февралдаги қарорига илова

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти ташкилий-методик бўлими томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар концепцияси асосида ҳудудий ва маҳаллий семинар-тренинглар**

### ЖАДВАЛИ

| № | Ҳудудлар номи | Ҳудудий ва маҳаллий семинар-тренинглар ўтказиладиган сана ва вақти |
|---|---|---|
| | Вилоятда | 2015 йил 2 март куни соат 15:00 да Чирчиқ шаҳрида |
| 1. | Ангрен шаҳри | 2015 йил 3 март куни соат 11:00 да |
| 2. | Бекобод шаҳри | 2015 йил 4 март куни соат 11:00 да |
| 3. | Олмалиқ шаҳри | 2015 йил 5 март куни соат 10:00 да |
| 4. | Чирчиқ шаҳри | 2015 йил 6 март куни соат 10:00 да |
| 5. | Бекобод тумани | 2015 йил 4 март куни соат 15:00 да |
| 6. | Бўка тумани | 2015 йил 5 март куни соат 15:00 да |
| 7. | Бўстонлиқ тумани | 2015 йил 6 март куни соат 15:00 да |
| 8. | Қибрай тумани | 2015 йил 7 март куни соат 10:00 да |
| 9. | Қуйи Чирчиқ тумани | 2015 йил 9 март куни соат 15:00 да |
| 10. | Оққўрғон тумани | 2015 йил 10 март куни соат 10:00 да |
| 11. | Оҳангарон тумани | 2015 йил 3 март куни соат 14:00 да |
| 12. | Паркент тумани | 2015 йил 11 март куни соат 10:00 да |
| 13. | Пискент тумани | 2015 йил 12 март куни соат 15:00 да |
| 14. | Зангиота тумани | 2015 йил 7 март куни соат 15:00 да |
| 15. | Ўрта Чирчиқ тумани | 2015 йил 12 март куни соат 14:00 да |
| 16. | Чиноз тумани | 2015 йил 9 март куни соат 10:00 да |
| 17. | Юқори Чирчиқ тумани | 2015 йил 11 март куни соат 14:00 да |
| 18. | Янгийўл тумани | 2015 йил 10 март куни соат 14:00 да |

10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг 2015 йил 20 февралдаги қарорига илова

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти ташкилий-методик бўлими томонидан ишлаб чиқилган аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг долзарб вазифалари бўйича семинарлар концепцияси асосида ҳудудий ва маҳаллий семинарлар**

### ЖАДВАЛИ

| № | Ҳудудлар номи | Ҳудудий ва маҳаллий семинар-тренинглар ўтказиладиган сана ва вақти |
|---|---|---|
| | Вилоятда | 2015 йил 21 февраль куни соат 12:00 да Чирчиқ шаҳрида |
| 1. | Ангрен шаҳри | 2015 йил 24 февраль куни соат 11:00 да |
| 2. | Бекобод шаҳри | 2015 йил 25 февраль куни соат 15:00 да |
| 3. | Олмалиқ шаҳри | 2015 йил 26 февраль куни соат 10:00 да |
| 4. | Чирчиқ шаҳри | 2015 йил 27 февраль куни соат 11:00 да |
| 5. | Бекобод тумани | 2015 йил 28 февраль куни соат 11:00 да |
| 6. | Бўка тумани | 2015 йил 28 февраль куни соат 15:00 да |
| 7. | Бўстонлиқ тумани | 2015 йил 27 февраль куни соат 16:00 да |
| 8. | Қибрай тумани | 2015 йил 23 февраль куни соат 15:00 да |
| 9. | Қуйи Чирчиқ тумани | 2015 йил 25 февраль куни соат 15:00 да |
| 10. | Оққўрғон тумани | 2015 йил 27 февраль куни соат 10:00 да |
| 11. | Оҳангарон тумани | 2015 йил 26 февраль куни соат 14:00 да |
| 12. | Паркент тумани | 2015 йил 26 февраль куни соат 10:00 да |
| 13. | Пискент тумани | 2015 йил 27 февраль куни соат 10:00 да |
| 14. | Зангиота тумани | 2015 йил 23 февраль куни соат 11:00 да |
| 15. | Ўрта Чирчиқ тумани | 2015 йил 27 февраль куни соат 14:00 да |
| 16. | Чиноз тумани | 2015 йил 25 февраль куни соат 10:00 да |
| 17. | Юқори Чирчиқ тумани | 2015 йил 26 февраль куни соат 14:00 да |
| 18. | Янгийўл тумани | 2015 йил 27 февраль куни соат 14:00 да |

Учрашув



## ХАЛҚНИ ТИНГЛАШ – БУРЧНИ АНГЛАШ

**Инсонпарварлик тамойиллари устувор давлат сиёсати ҳар қандай даражадаги бошқарув раҳбарларининг фуқаролар билан ишлаш, ходимлар ўртасида холис, қонуний муносабат ўрнатишнинг ўзига хос жиҳатларини пухта ўзлаштириш, муомала маданияти юқори савияда бўлишини тақозо этади.**

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фуқаролар ва жисмоний шахслар мурожаатлари кафолати билан бир қаторда юридик шахсларнинг, хорижий давлатлар жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ҳам кафолатланган. Ушбу қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш ва қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлашдаги масъулияти тўғрисида"ги мажлиси баёнида белгиланган вазифалар ижроси доирасида Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Боситхонова сайёр қабул кунини ўтказди. Унда вилоят, шаҳар ҳокимлиги бошқарма ва бўлимлари вакиллари иштирок этди. Дастлаб, Чирчиқ шаҳридаги "Ягона ойина" фаолияти билан танишилди. Бош вазир ўринбосари қабулида шу куни 40 га яқин фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди. Мутасадди ташкилотлар вакилларига уларни ўз муддатида ҳал қилиш, тушунтириш, ҳеч бир мурожаат безътибор қолмаслиги хусусида кўрсатмалар берилди. Мурожаат этувчиларга улар муаммолари тегишли қонунлар асосида ҳал этилиши тушунтирилди.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Вилоят Қизил Ярим ой жамияти ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Ўрта Чирчиқ тумани бўлими ташаббуси билан "Уч авлод учрашуви" ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилалар ҳамда маҳалла нуронийлари бир пиёла чой устида мароқли суҳбат қуришди.

Учрашув сўнгида иштирокчиларга Қизил Ярим ой жамияти вилоят бўлимининг эсдалик совғалари ва дори-дармонлар топширилди.

Шундай тадбирлар туманнинг "Юксалиш", "Бирлик" маҳаллалари ҳамда Янги ҳаёт шаҳарчасида ҳам ташкил этилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги олдидан

# ҚИРҚ ЙИЛЛИК ҚАДРДОН ХОТИРАЛАР

**Дунёда ўз халқи, Ватани меҳри, ардоғини ҳис этиб яшашдан улуғроқ бахт йўқ, назаримизда. Лекин бу бахтга мушарраф бўлиш осон эмас. Бунинг учун инсон Юртбошимиз таъкидлаганидек, маънавияти юксак, эзгу ниятли, покиза фазилатли бўлмоғи даркор. Қайсики, унинг хайрли амалларидан чеҳраларга ёруғлик, қалбларга фахр-ифтихор инсин.**

**Шоира Зулфия ҳақида сўз очилганда, шундай тиниқ туйғулар вужудимизни қамраб олади. Истиқлол шарофати билан шоира ҳаёти ва ижоди ҳар бир ўзбек аёли учун ибрат мактабига айланди. Унинг 100 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги мамлакатимиз раҳбарининг Фармони юртимизнинг муносиб фарзандларига кўрсатилаётган катта эътибор, беқиёс меҳр-муҳаббат намунаси бўлди.**



Мен ўзбекнинг ардоқли шоираси хотирасига ўрнатилган ҳайкал қошида ҳар баҳор унинг издошларини кўриб, чуқур ҳаяжонга ботаман. Шундай инсон билан учрашганим, ҳамсуҳбат бўлганларим ёдимга тушади.

Шоиранинг юрагига яқин кишиларидан бири сифатида мен ҳам ниманидир айтгим келди. Аммо, Зулфия ҳақидаги иш столимда турган тахлам-тахлам китоб, журнал, газеталардаги дил изҳорлари, хотираю ёдномаларни ўқир эканман, "арзирли бир фикр айта олармиканман?" деган истиҳола билан қўлимга қалам олдим. Мен учун 40 йилдан буён қадрдон бўлиб қолган китоб, уни биринчи саҳифасидаги шоиранинг улуғвор сиймоси, сурат тепасига ёзилган "Сайёрахон! Сизга шеъриятдай гўзал ва ҳақиқий бахт тилайман. Зулфия 16.1975" деган сўзларга кўзим тушганда, ўйларим тизгинига йўл бердим гўё...

Ўшанда, айни гуллаган ёшлик чоғларимиз, талабаликнинг олтин даврларида гўёки учиб-қўниб юрган кезларимизда ўз ташрифи, гўзал ахлоқи, эзгу тилаклари билан қалбларни нурафшон этган, орзуларимизга қанот бағишлаган десам муболаға бўлмас.

*Одамлар дарёси оқар ёнимдан,*
*Қарайман: ҳаммаси-ҳаммаси таниш,*
*Билмайман исмин ҳам, касбин ҳам,* аммо,
*Биламан – барида буюк интилиш...*

дея атрофдагиларга фақат меҳр, эзгулик улашиб, ўзи ҳам эзгулик истаб яшаган шоиранинг:

*Дўстлар эшигидан кириб бораман,*
*Ҳар ерда муҳаббат ва ҳаёт берган,*
*Яқин кишиларни топа оламан!*
*Бахтиёр бўлардим, шеърларим билан.*

Шу дўстлар қалбига киролсам агар... деган орзулари йиллар давомида ўз мухлисларига, юрагига яқин кишиларга сурур бағишлаб келди. Ўша учрашувда талабалар тилида янграган ушбу сатрлар эса хассос шоирамизнинг оналик бахти нечоғлик улуғворлиги, уни асраб-авайлаш, эъзозлаш муқаддас бурч экани ҳақидаги теран фикрлари ифодаси эди:

*Ота бўлиб солдим мен йўлга,*
*Она бўлиб меҳримга олдим.*
*Мана, юртга ўғил ўстирган*
*Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.*
*Қанча ишонч, умид бахш этар,*
*Ҳам Ватанга, ҳам менга бу дил.*
*Қоя каби ёнимдан чиқиб,*
*Суян, – дейди, – кифтимга дадил...*

Аслида аёл қалби гулдан нозик, тошдан қаттиқ дейишади. Таъбир жоиз бўлса, бу ибора Зулфиядек садоқат, матонат соҳибасига нисбатан айтилгандек. Садоқат, вафо каби сўзлар аҳамиятини билмайдиган, арзимаган ҳаёт синовлари олдида саросимага тушиб, аёллик шаъни ҳимоясига ожиз қоладиганлар ҳам бор. Шу маънода Зулфия барча ўзбек аёллари учун вафою садоқат рамзидир. Шу хислатлари уни элда, Ватанида азизу мукаррам қилди.

Саҳнада туриб, "Кўрганмидинг кўзларимда ёш?" шеърини ўқир эканман, опанинг кўзларидаги мунгни ҳис этдим.

– Қизим, шеърни чиройли ўқидингиз, – дегандилар ўшанда. – Аммо, сизнинг ёзганларингиз фақат бахт ҳақида бўлсин...

Лекин бутун дарду ҳасратини, ғам-аламларини фарзандлари Ҳулкар, Олимжон, қолаверса Ватани, юрагига яқин кишиларга бўлган меҳри билан енгиб яшаган аёлни садоқат тимсоли демай бўладими?

Инсон тафаккури, ўй-хаёллари, орзу-истаклари билан инсон. У ҳамиша эътиқод меҳробига интилиб яшайди. Шукрким, эътиқодимиз йўллари истиқлол туфайли ойдин бўлди. Ўзлик, имон-эътиқод, диёнат деган тушунчалар юзини ювди. Умр бўйи ёниқ сатрлари билан одамлар қалбига ҳарорат, дардларига дармон бўлган Зулфия ҳам дориламон кунларда хотираси синиқларга малҳам топди.

Кейинчалик шоиранинг қизлари Ҳулкар опа билан учрашиш, ҳамсуҳбат бўлиш бахти насиб этди. Ўша учрашувимизда Зулфия опа таъкидлаганларидек, самимий, меҳрибон нигоҳлари, хуш каломи билан қалбимни ром этган эди у.

"Тақдир менга улуғ инсонлар даврасида ўсиб, улғайиб, яшаш бахтини берди, – деган эдилар Ҳулкар опа. – Мен доимо уларга муносиб бўлишга ҳаракат қилдим..."

Мен ҳамиша Зулфия билан ҳамнафас бўлиб ижод қилган шоираларга ҳавас қилганман. Балки, изланиш, интилишларим шу ҳавасу ихлос туфайлидир. Шунинг учун ҳам "Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар" танлови ҳақидаги қарор мени чуқур ҳаяжонга солган. Шоира ҳақидаги ҳар бир фармон, қарорлар шу маънода халқимиз кўнглидаги саъй-ҳаракатлардир. Зеро, ибрат олса, ўрганса арзийдиган алломалари, аждодлари бор халқ ҳеч қачон завол билмайди:

*Бу назм боғига киролмас хазон,*
*Бизни маҳв этолмас завол лашкари.*
*Мен кетсам, мунғаймас умрим ҳеч қачон,*
*Бу боғлар – бир боғлар бўлади ҳали...*

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**




### ГРЕЦИЯ ЕВРОИТТИФОҚДАН ЧИҚҚАНИ МАЪҚУЛМИ?

**Мюнхендаги иқтисодий тадқиқотлар институти президенти Ханс-Вернел Зинн Греция еврогуруҳдан пул сўраш ўрнига еврозонадан қандай қилиб тартибли йўсинда чиқиб кетиши хусусида келишгани мақсадга мувофиқдир, деб таъкидлади.**

Еврозона мамлакатлари молия вазирлари кенгаши Грецияга кўрсатиладиган навбатдаги молиявий ёрдам муддатини тўрт ойга узайтириш имкониятлари хусусида жиддий келишувга эришди. Шунга мувофиқ, Греция Европа Иттифоқидан нафақат кредит олиши, шу билан бирга, мамлакатда кредиторлар билан келишилган тарзда иқтисодий сиёсат ҳам олиб бориши лозим. "Ушбу қўшимча пуллар Грециянинг молиявий "хасталигини" даволай олмайди, фақат оғриқни қолдирувчи дори сифатида таъсир кўрсатади, холос", деди Ханс-Вернел Зинн. Унинг фикрича, энди Греция ҳукумати Европа Иттифоқи билан еврозонадан тартибли чиқиш шартлари хусусида, жумладан, қарзларни ёпиш муддатини кечга суриш ва келажакда яна еврога қайтиш имконияти хусусида келишиб олгани маъқул.

### АМЕРИКА ШАРҚИДА ҚАТТИҚ ҚИШ

**АҚШ шарқида бир неча кундан бери давом этаётган қаттиқ совуқ туфайли камида 23 киши ҳаётдан кўз юмди.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, энг кўп қурбонлар Теннесси штатига (18 киши) тўғри келди. Қурбонларнинг кўпайишига сабаб йўл-транспорт ҳодисалари ҳам кейинги пайтда кескин ортгани бўлди. Жойларда электр симлари музлаб қолгани боис, одамлар чироқсиз қолишди. Нью-Йорк, Вашингтон, Филадельфия, Питтсбург каби кўплаб шаҳарларда совуқ рекорд даражага кўтарилди. Жумладан, энг юқори совуқ Миннесота штатидаги Эмбаррас шаҳрида юз бериб, минус 40 даражага тушиб кетди. Бир нечта мактабда машғулотлар тўхтатилди. Одамларга совуқ кунлар ўтиб кетмагунча, уйлардан чиқмаслик, иложи бўлса махсус тайёрланган иссиқ жойларда вақтинча яшаб туриш тавсия этилди.

Метеорологларнинг гапига қараганда, мамлакатнинг анчагина ҳудудида қаттиқ совуқ ҳафта охиригача сақланиб туради. Ўтган дам олиш куни АҚШнинг шимоли-шарқида тўртинчи марта кучли қор бўрони юз берди. Бостон ва унинг атрофида жамоатчилик транспорти ҳаракати издан чиқди. Мамлакат авиакомпаниялари 1500 дан зиёд самолёт рейсларини бекор қилишга мажбур бўлди.

### ТЕХАС ТУРМАСИДА ТАРТИБСИЗЛИК

**Американинг Техас штати Рэймондвилл шаҳридаги турмада икки мингдан зиёд маҳбус сифатсиз тиббий хизматдан норозилик билдириб, қарийб икки ҳафта тартибсизлик уюштирди.**

Reuters агентлигининг ёзишича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари турма ходимлари билан ҳамкорликда вазиятни ўз назоратлари остига олишга муваффақ бўлдилар. Тартибсизликлар жараёнида ҳеч ким жароҳат олмади. Норозилик билдирувчилар турмадаги сайил майдонига тўпланишиб, бир нечта палаткаларни ёқиб юбордилар. Қўриқлаш хизмати кўздан ёш оқизувчи газни ишга солишга мажбур бўлди.

Associated Press агентлигининг хабар қилишича, энди 2800 маҳбус бошқа турмаларга кўчирилади.

### ҚУРБОНЛАРНИНГ КЎПИ АЁЛ ВА БОЛАЛАР

**Бангладешдаги Падма дарёсида сузиб бораётган паром траулерга урилиб, ҳалокатга учради, дея хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

Паром бортида 150 дан зиёд йўловчидан камида 66 нафари ҳалок бўлди. Йўловчиларнинг 50 дан зиёди қутқариб қолинди, қолганларни қидириш ишлари давом этмоқда. Қурбон бўлганларнинг аксарияти аёллар ва болалардир.

Мамлакат ҳукумати юз берган ҳалокат сабабларини ўрганишга киришди. Паромга урилиб кетган траулер капитани ва жамоанинг икки аъзоси ҳибсга олинди.

Қизиғи шундаки, ҳудудида икки мингга яқин дарё бўлган Бангладешда бундай ҳалокатлар тез-тез учраб туради. Экспертларнинг гапига қараганда, бу галги ҳалокатга аввало, ҳаддан зиёд юк ортилгани, шунингдек, техника хавфсизлиги қоидалари бузилгани сабаб бўлган.

### ЭНГ КАТТА ЮТУҚ ЭГАСИ МАЪЛУМ

**Ўтган ҳафта охирида Данияда мамлакат тарихидаги энг катта лотерея ютуғи эгаси маълум бўлди.**

Ушбу бахтли фуқаро 315 миллион крон (42,2 миллион евро) эгасига айланади. Ютуқ чиққан ушбу лотерея билети Зеландия ороли Хелсингер шаҳридаги супермаркетлардан бирида харид қилинганди. "Биз ҳали ютуқ эгаси ким эканини билмаймиз. Балки унинг ўзи ҳам бундан бехабардир ҳали. Негаки, лотерея ўйинлари ғолиблари одатда ўз билетларини кечикиб текшириб кўрадилар" дейди лотерея ўйини ташкилотчиларидан бири.

Бундан аввалги катта сумма – 135 миллион кронли ютуқ 2012 йилнинг октябрида ўйналган эди. Ўшанда ҳам ютуқ эгаси бир ҳафтадан сўнг мурожаат қилганди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Bolalik bog`i

## YULDUZLAR BILAN SUHBAT

*Chiqib-chiqib birma-bir*
*Mo`ralaysiz osmondan.*
*"Ne bo`lyapti erda", deb*
*Qaraysiz har tomondan.*

*Osmon oralab tunda,*
*Kirib ketasiz tongda.*
*Qarasak har yonga biz*
*Samoni yoritasiz.*

*Qarasak, oy go`yo jim*
*U o`zi sizlarga kim?*
*U hech turmas bir joyda,*
*O`z nomi bilan oy-da.*

*Bizga nurini sochar,*
*Tegramizda parvona*
*Hatto, bag`rini ochar*
*Go`yo mehribon ona.*

*Charaqlasa kunduzdir*
*Bizga kulib boqadi.*
*"Oyning jufti yulduzdir"*
*Deganlari yoqadi.*

*Osmonimiz musaffo*
*Ko`kda parvoz qilamiz.*
*Beg`ubor yuraklarda*
*Yashash zavqin tuyamiz.*

**Azizabonu SAMADOVA,**
**Zangiota tumanidagi**
**25-maktabning**
**7-sinf o`quvchisi.**

Бу – қизиқ

### *Бутун шаҳарда 9 та светофор*

Сиз яшаб турган туман ёки шаҳарда нечта светофор борлигини биласизми? Битталаб санаб чиқиш жуда қийин бўлса керак?! Қаранг-ки, аҳолиси 18 миллиондан ошиқроқ бўлган Қоҳира (Миср пойтахти)да атиги 9 дона светофор қайд этилган.

### *Ихтирочининг афсуси*

Тезликни оширганлиги учун йўл полицияси томонидан биринчи марта тўхтатилган шотландиялик физик – радар ихтирочиси Роберт Уотсон: "Агар радардан қандай мақсадда фойдаланишларини билганимда эди, ҳеч қачон уни яратмаган бўлардим" деган экан.

Огоҳлик давр талаби

## ЛОҚАЙДЛАР СУКУТИ ХИЁНАТГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Ҳазрат Али р.а. ҳузурларига бир киши келиб:

– Эй, Амирал мўминин! Менинг хурмо боғим бор, ҳеч ҳосил бермаяпти, шунга бир чора топиб берсангиз, – деди.

Шунда Али р.а. бир мактуб ёзиб бериб, уни хумчага солиб, боққа кўмиб қўйишни буюрдилар. Боғбон шундай қилди. Натижада боғ шиғил ҳосилга кирди. Боғбон бундан ҳайрон бўлиб, кўмилган ўша мактубни очиб ўқиди. Унда шундай ёзилган экан:

– Эй, ер! Ҳосил бер, агар бермасанг, фитначи кишиларнинг жасадини сенга кўмаман!..

Демак, фитначиларнинг жасадидан ҳазар қилиб, боғ мевага кириб кетган экан. Зеро, фитначилар шайтоннинг маънавий биродаридирлар. Чунки қилмишлари оқибатида қанчадан-қанча кишилар гуноҳ ишларга қўл урадилар.

Ҳозирги кунда жамиятимиз тинчлигига раҳна солиш мақсадида дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган баъзи бузғунчи мутаассиб оқимларни фитначилар тўдаси десак, илло, ҳақ бўламиз. Шундай бузғунчи ва фитначи кимсалар сўзига ишониб, ҳийла ва найрангларига алданиб қолган одамлар орасида турли низолар чиқишига сабаб бўлмоқдалар.

Яратувчи берган беҳисоб неъматларига шукроналик билан машҳур уламоларимиз маслаҳатларига амал қилишимиз, меҳр-шафқатли бўлмоғимиз, фитна, алдовлардан сақланмоғимиз зарурдир. Бир жамиятда яшовчи инсонлар ўртасига нифоқ солиш, бузғунчи фикр ва ботил ғояларни тарқатиш каби иллатлардан эҳтиёт бўлиш лозим. Мамлакатдаги барча халқлар билан тинч-тотув яшашга интилиш, одоб-ахлоққа риоя этиш мўминларга хос хислатдир.

Зеро, огоҳ инсонгина келажагига ақл билан теран назар ташлайди, содир этилиши мумкин бўлган фитна-фасод, хавф-хатарнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатида бўлади.

Шу ўринда бир ибратли ҳикояни келтирсак. Дарёда бораётган кеманинг юқори қаватида ичимлик суви бор, пастки қаватида эса йўқ бўлиб, юқориги қаватга чиқиб ичишар экан. Пастки қаватдагилардан бири ҳамроҳларига:

– Қачонгача биз юқорига чиқиб сув ичамиз, яхшиси кемани тагидан кичик бир тешик очиб олайлик, хоҳлаганимизда сув олиб ичаверамиз. Ахир биз сувга яқинроқмиз, – деди.

Шунда баъзилар рози бўлдилар, баъзилар қаршилик қилдилар. Рози бўлганлар зўрлик билан кемани тешишга тушдилар. Бегона товушни эшитган юқоридагилар, пастга тушиб қарадиларда, вазиятдан хабардор бўлдилар ва:

– Бундай қилманглар, агар кемани тешсангиз, ҳаммамиз сувга ғарқ бўламиз. Ахир сизларга истаганингизча сув бериб турибмизку, – деб, фитна бошлаганларни тўхтатиб, кемани ҳалокатдан қутқариб қолдилар.

Огоҳ бўлиб яшаш, кўнгилсизликларнинг олдини олишнинг зарурий шартидир. Ғофиллик ва бепарволик турли нохушликларга замин яратади. Тафаккур қилмайдиган, ўзининг ким эканини англаб етмайдиган, бугуннинг ҳузур-ҳаловати билан яшаб, эртаси ҳақида қайғурмайдиган, бепарво ва беғам кимсалар ғофиллардир. Улар атрофда нималар бўлаётганига эътибор бермай, охир-оқибат турли бало ва мусибатларга дучор бўладилар. Шунинг учун ақл-фаросати ва онгини ишлатмайдиган, Ватан тинчлиги ҳақида қайғурмайдиган ғофиллардан жамиятга наф йўқ. Ҳадисда ҳам ўзгаларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, бошқаларга раҳм-шафқат кўрсатиш, ёрдам қўлини чўзиш каби хайрли ишларга лоқайд бўлмасликка чақирилади.

Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида: "Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади" дейди. Дарҳақиқат, одамлар бир-бирларининг ғам-ташвишларидан бохабар, бир бирларига биродар ва ҳамкор бўлиб яшашлиги инсоний фазилатдир.

Камина масжидда имом-хатиблик қилиш баробарида асалари боқиш билан шуғулланаман. Асаларини ўз инига кириб чиқишини кузатиб, эшиклари олдида қўриқчи арилар туришини кўрдим. Улар келаётган асалариларни текшириб киритишади. Мабодо бирон ари ўзи билан нохуш ҳид олиб келса ёки нохуш гулга қўнган бўлса, уйга киритмайдилар. Бегона асалари келиб қолса, уни қувиб юборадилар. Ҳайвонот олами ўз уйини, ўз ҳудудини шундай ҳимоя қилар экан, биз, онгли инсонлар ўз оиламизни, маҳалламизни, қишлоғу шаҳарларимизни, туғилиб ўсган она юртимизни доимо огоҳ бўлиб ҳимоя қилишимиз, огоҳликни бир сония ҳам унутмаслигимиз ўн чандон лозимдир.

Биз яшаб турган ҳудуддаги тўртта мактабда қишлоқ аҳлининг мингга яқин фарзандлари таълим олишмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда тез-тез мактабларда бўлиб, қизиқарли тадбирлар ўтказиб турамиз. Бу келажагимиз бўлмиш ёшларимизнинг таълим-тарбия олишларида, маънавий камол топиб, турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳоли, маънавий соғлом бўлиб вояга етишларига ёрдам бермоқда. Ёшларимиз ҳаёт йўлларини тўғри танлаб камол топишларига эришсак, юртимиз истиқболига янада кўпроқ ҳисса қўшган бўламиз.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ жаннатмакон юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш мақсадида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган нохуш воқеалар инсонларни ташвишга солаяпти. Бундай воқеалар биздан узоқда деб унга лоқайд қараш хомхаёлликдир. Дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамиша огоҳ бўлишимиз, она Ватанимиздаги тинчлик, осойишталик ва фаровонликнинг қадрига етишимиз, эл-юрт тақдири, келажаги учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

**Тоҳирхон ТЎЛҚИНХОНОВ,**
**Пискент тумани**
**"Келовчи" жоме масжиди**
**имом-хатиби.**



Жиноятга жазо муқаррар

## СУВНИКИ СУВГА КЕТДИ

"Қилмиш-қидирмиш" дейдилар. Инсон бу дунёда қилган ҳар бир амалига яраша ё жазо ёки мукофот олади. Ўйламай босилган ҳар бир қадамнинг жавоби бўлиши ҳам бор гап.

Жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туман суди кўрган қуйидаги иш бунга яққол мисолдир.

Туман "Қизилсой-Ирригация" сув истеъмолчилари уюшмаси раҳбари бўлиб ишлаган Маҳмуд Музроповга (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2012 йилда шу лавозимни ишониб топширишганди. Уюшманинг вазифаси тумандаги "Бирлик", Охунбобоев, "Саксонота" ҳудудларидаги 75 та фермер хўжаликларига сув етказиб беришдан иборат. Маҳмуд Музроповга эса шу ишлар назорати билан бирга, ходимларни ишга қабул қилиш, бўшатиш ваколати ҳам берилган.

У шу ваколатларни ўзига берилган имконият деб тушунган кўринади. Акс ҳолда ҳузурига иш сўраб келган кишилардан пора талаб қилармиди? Масалан, Ғайрат Мирзавалиев судланиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган, суд қарорига асосан бирор жойда ишлаб, маошининг 30 фоизини давлат ҳисобига ўтказиши белгиланганди. Шу мақсадда "Қизилсой-Ирригация" сув истеъмолчилари уюшмасига мурожаат қилди. Маҳмуд Музропов мақсадини тўғридан-тўғри айтолмай, бу ерда иш оғирлиги, маош унчалик кўпмаслиги, вақтида пул бўлмаслиги, давлат ҳисобига ўтказилиши керак бўлган 30 фоиз маош ўз вақтида тўланмаса, ишхонага ҳам, унинг ўзига ҳам яхши бўлмаслигини айтиб, обдон чайналди.

Ғайрат Мирзавалиевнинг ота-онаси эса фарзандининг хотиржамлиги учун ҳар қандай харажатга тайёрликларини, ҳатто ўша 30 фоиз маблағни ҳам ўзлари Маҳмуд Музроповга нақд беришларини айтдилар. Ғайрат Мирзавалиев онасига ортиқча юк бўлишни истамаганиданми ёки бошқа сабабданми, ҳар ҳолда бу сансалорликдан шикоят қилиб, ҳуқуқ-тартибот идорасига мурожаат этди. Ушбу ариза асосида ўтказилган махсус тадбирда Маҳмуд Музропов Ғайрат Мирзавалиевдан уни уюшмага мироб қилиб ишга қабул қилиш учун 150 минг сўм пора олаётган вақтда ушланди.

Суд унинг жиноятларига яраша жазо тайинлади. Жазони ўташ жараёнида ўзининг қилмиши инсон тақдирига нисбатан нечоғлик беписандлик эканини тушуниб етса, зора.

**Жуманазар ЖУМАНИЁЗОВ,**
**республика Бош**
**прокуратураси ҳузуридаги**
**СВОЖЖДЛҚК**
**Департаментининг вилоят**
**бошқармаси СВОЖҚК**
**бўлими инспектори.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2220. Адади 15556. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Т белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.